
Бола пули, нафақа, моддий ёрдам, пенсия тайинлаш ёки пенсияни ҳисоблаш тартиблари ҳақида сизда савол ёки мурожаатлар борми?

Унда шу каби савол ва мурожаатларингизни эртага бевосита Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилоят бошқармаси раҳбарияти иштирокида Ўзбекистон туманида ўтказиладиган сайёр қабулда билдиришингиз мумкин.

Туман аҳолиси вакилларининг соҳага оид мурожаатларини кўриб чиқиш учун ташкилланаётган мазкур сайёр қабул эртага **2022 йил 9 июн**, пайшанба куни **соат 11:00 да Даҳанақақир МФЙдаги 8-умумтаълим мактабида**, шу куни соат **15:00 да эса Қулибек МФЙдаги "Баркамол авлод" болалар мактаби биносида** ташкил этилади.

Бола пули, нафақа ёки пенсия масалаларига оид ечимини топмасдан келинаётган муаммолари мавжуд барча фуқаролар сайёр қабулда иштирок этишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: 73-539-11-33

2022-06-08 18:08:45